

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

**HISTORY OF PERSONIFICATION AND ARCHITECTURE OF SHEIKH ZAYNIDDIN
AND SHEIKH KHOVANDI TOHUR SHRINES IN TASHKENT*****Sanabar N. Djuraeva****doctor of history**State Museum of History of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan**E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru****Umid M. Aminov****Deputy director of Vocational School No. 1
Yangiyol district, Tashkent region
Yangiyol, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Shosh, Tashkent, alloma, personification, monument, mausoleum, mosque, shrine, archeology, architecture, building, peshtoq, dome, saghana, grave, ganch, ceramic.

Received: 13.11.22**Accepted:** 15.11.22**Published:** 17.11.22

Abstract: The article describes the role of Tashkent (Shosh), the capital of Uzbekistan, in the world civilization, the contribution of scientists and scholars to the development of Islamic science, the construction of the city, mausoleum, mosque, socio-political, cultural and spiritual life. At the same time, the personification of the shrines of Sheikh Zayniddin and Sheikh Khovandi Tohur in Tashkent, the history of the architecture of the mausoleums where their ashes lie, and the attitude of the local population to them are described.

**ТОШКЕНТДАГИ ШАЙХ ЗАЙНИДДИН ВА ШАЙХ ХОВАНДИ ТОХУР
ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ПЕРСОНИФИКАЦИЯСИ ВА АРХИТЕКТУРАСИ ТАРИХИ*****Санабар Н. Джураева****тариҳ фанлари доктори**ЎзФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru****Умид М. Аминов****1-сон касб-хунар мактаби директор ўринбосари**Тошкент вилояти Янгийўл тумани**Янгийўл, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шош, Тошкент, аллома, персонификация, ёдгорлик, мақбара, масjid, зиёратгоҳ, археология, архитектура, бино, пештоқ, гумбаз, сағана, қабр, ганч, сопол.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон пойтахти бўлган Тошкент (Шош)нинг Жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, олиму уламоларининг ислом фани ривожига қўшган хиссаси, шаҳар, мақбара, масjid қурилиши, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти ёритилган. Шу билан бирга, Тошкентдаги Шайх Зайниддин ва Шайх Хованди Тохур зиёратгоҳлари персонификацияси, улар хоки ётган мақбараларнинг архитектураси тарихи, уларга маҳаллий аҳоли муносабати ҳақидаги тарихий тадқиқотлар баён қилинган

ИСТОРИЯ ПЕРСОНИФИКАЦИИ И АРХИТЕКТУРЫ ГРОБНИЦ ШЕЙХА ЗАЙНИДДИНА И ШЕЙХА ХОВАНДИ ТОХУРА В ТАШКЕНТЕ

Санабар Н. Джураева

доктор исторических наук

Государственный музей истории Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru

Умид М. Аминов

Заместитель директора ПТУ №1

Янгиельский район, Ташкентская область

Янгиел, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Шош, Ташкент, аллома, олицетворение, памятник, мавзолей, мечеть, святыня, археология, архитектура, здание, пештоқ, купол, сагана, могила, ганч, керамика.

Аннотация: В статье описывается роль Ташкента (Шоша), столицы Узбекистана, в мировой цивилизации, вклад ученых и ученых в развитие исламской науки, строительство города, мавзолея, мечети, общественно-политического, культурного и Духовная жизнь. При этом описывается олицетворение усыпальниц шейха Зайниддина и шейха Хованди Тохура в Ташкенте, история архитектуры мавзолеев, где покоятся их прах, и отношение к ним местного населения.

КИРИШ

Чирчик дарёси ҳавзаси Ўрта Осиёning энг қадимги дәҳқончилик ва шаҳар цивилизацияси ривожланган ҳудуди бўлган. Ҳозирги Тошкент воҳаси илк бор шу манзилда шаклланган. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундан 3000 йиллар олдин қадимги Шош ҳудудида илк бор дәҳқончилик ривожланган. Шоштепа манзилгоҳларида чорвачилик, кейинчалик хунармандчилик вужудга келган. Мил. авв. I аср охири ва милодий I асрда Салор канали ёнида Мингўрик шаҳристони шаклланган. Милоднинг бошида Тошкент воҳаси Қанғ давлати маркази ҳисобланган. Милодий III асрда Шошда Чачаван давлати бўлган.

V асрда Чоч Қанғ давлатидан ажралиб, алоҳида давлат сифатида ривожланган. Кейин Эфталитлар томонидан босиб олинган. VI асрда унинг ўрниди Турк хоқонлиги пайдо бўлган [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

VII-VIII асрларда Мингўрик пойтахт сифатида гуллаб-яшнаган. Шош зардуштийлик маркази бўлиб, воҳага Буюк ипак йўли орқали христианлик, буддавийлик, монийлик каби динлар ҳам кириб келган. IX-X асрлар араб манбаларида, Шош маркази Бинкент ҳақида сўз кетган [2]. X асрда Шош Сомонийлар, сўнгра Қорахонийлар давлати таркибига кирган ва у ерда ўзига хос ислом маданияти ва архитектураси ривожланган. Шошда ислом маданиятининг меъморий услугуб ва намуналарини бирлаштирган масжидлар қурилиши ривожланган. Ўрта асрларда Шошга келган араб географи Истахрий шаҳар қалъаси ёнида жомеъ масжиди ҳам бўлганини айтиб ўтган [3]. X-XI асрлардан бошлаб ислом илмлари ривожига катта ҳисса қўшган алломалар, авлиёлар, фақиҳлар, шайх ва имомлар қабрлари устига ўзига хос шарқ архитектураси услубида мақбаралар қурилган.

Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари каби Шошдан ҳам IX-XVI асрларда ислом дини, фани ва маданияти ривожи йўлида хизмат қилган Кулайб Шоший, Қаффол Шоший, Аҳмад Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Ҳожа Аҳрор, Сулаймон Банокатий, Баҳридин Чочий, Алойи Шоший, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Ҳофиз Кўҳакий, Жамшид Шоший, XVII-XIX асрларда Ибодулла Тошкандий, Ҳушҳол Тошкандий, Фатхий Тошкандий ва бошқа 100 га яқин алломаи фузалолар етишиб чиқкан. Улардан кўпчилигининг номи зиёратгоҳлар билан боғлиқ.

Ўрта асрларда Шош ўзининг бой тарихи, ноёб маданий ва маънавий мероси, анъаналарига эга бўлиб, ўзига хос қурилиш услуги ва меъморчилиги ривожланган. Шаҳар тарихий ёдгорликларидан: Қаффол Шоший (X-XVI асрлар), Хўжа Аламбардор (X аср), Шайх Хованди Тоҳур (XV аср), Қалдирғочбий (XV аср), Юнусхон (XV аср) мақбаралари, Кўкалдош (XIV аср), Бароқхон (XV-XVI асрлар), X. Абдулқосим (XIX аср) мадрасалари ҳозирги кунга қадар яхши сақланган. Шу билан бирга, Тошкентда Шибли ота, Занги ота, Сузук ота, Чўпон ота, Иброҳим ота, Саид ота, Ваққос ота, Қўйлиқ ота, Чилонзор ота, Яланғоч ота каби азиз авлиёлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бор.

XII-XIV асрларда Мовароуннаҳрда сўфиийлик тариқати ривожланган. Аҳмад Яссавий (XII аср)нинг “Яссавия”, Баҳовуддин Накшбанд (XIV аср)нинг “Нақшбандия” тариқати вужудга келган. XII-XIII асрларда Тошкентда яшаб, фаолият кўрсатган Суҳравардия тариқати вакили Шайх Зайнiddин Куйи Орифонийни маҳаллий аҳоли ўзларига пир деб билишган. У аҳолини тўғри йўлга бошлаб, ислом илмларидан таълим берган, Тошкентнинг равнақ топишида хизмат қилган. Амир Темурнинг тасаввуф вакилларига ҳурмати баланд бўлиб, улуғ

шайх ва авлиёларга атаб мақбаралар қурдирган [4]. Зиёратгоҳлар учун вақфдан мулк ажратган [5]. Темурийларнинг ўзига хос ислом архитектураси ривожланган.

XIV-XVI асрларда қалъа деворлари мустаҳкам бўлган, Шош эса, хунармандчилик ва савдо маркази хисобланган. Регистон, масжид, мадраса, зиёратгоҳлар, ховуз, хаммол, карвонсаройлар қурилиши Нақшбандия сулуки шайхи Хожа Ахрор Валий номи билан боғлиқ [6].

Шайх Зайниддин мақбараси (XIII-XIV асрлар). Тошкентдаги энг катта мақбаралардан бири бўлган Шайх Зайниддин зиёратгоҳи (XII-XIII асрлар) Шайхонтоҳур тумани, Кўкча маҳалласи, Уйғур кўчаси, Кўкча қабристонидаги бир тепаликда жойлашган [7]. Шайх Абу Бакр Зайниддин Куйи Орифоний Тошкандий (1164-1259 йй.) ўз замонасининг мутасавифларидан, дин ва жамоат арбоби, шайх эди[8]. Отаси Шаҳобуддин Умар Сахравардий (1144-1234 йй.) таниқли мутасавиф, сухравардия тариқати асосчиси, Боғдодда шайхлар шайхи бўлган. У Ироқнинг Хоразмдаги элчиси сифатида фаолият юритган. Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг асл қабри Ироқнинг Боғдод шаҳрида бўлиб, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида Мири Жанда номи билан аталувчи зиёратгоҳи ҳам мавжуд. Ўғли Зайниддин диний уламо сифатида Тошкентга юборилган [9]. Шайх Зайниддин бобо ҳозирги Кўкча даҳасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф илми билан шуғулланган.

Шайх Зайниддин бобо мутасаввуф сифатида Тошкент, балки Мовароуннаҳрда таниқли бўлиб, манбаларда: “саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюги”, “Орифларнинг қутби” ва “ишончли раҳномоси” деб таърифларган [10]. У киши тасаввуфчи олим сифатида халққа илм-маърифат тарқатган. Этемас Эшон, шайх Нуриддин Басир [11], Бобойи Обрез, Шайх Умар Богоистоний каби шогирдларни камолотга етказган [12].

Шайх Зайниддин бободан бизгача ҳеч қандай асар етиб келмаган. Фақат унинг ҳалқ ёдида қолган ёрқин хотиралари, авлодлари ҳоки ётган мақбара моддий мерос сифатида сақланиб қолган. Амир Темур 1391-1392 ва 1402 йилларда Шайх Зайниддин бобо мақбарасини зиёрат қилган [13]. Хожа Ахрор Валий Шайх Зайниддин бобо қабри зиёратига кеча ва кундуз боришини айтган. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ҳам ўз вақтида ушбу табаррук мозорни зиёрат қилганлар [14]. XX асрнинг 40 йилларида Узкомстарис ташкилоти Тошкентнинг баъзи ёдгорликларини ўрганиб, реставрация ишларини бошлган. Жумладан, САГУнинг “Ўрта Осиё археология” кафедраси тадқиқотчилари М.Е.Массон, М.Г.Смирнов ва В.А. Левина-Булатова 1950-1960 йилларда Шайх Зайниддин ёдгорлиги археологияси, архитектуравий қурилиш услуби, таъмирланиш жараёнлари, тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқотларга кўра, мақбара қурилиши XI асрга оид. Мақбаранинг девори остидан чортоқ харобалари топилган. Унинг қурилиш тарихи XIX асрларгача шаклланган [15]. Ёнида чиллахона ҳам бўлиб, пайдо бўлиш даври Ўрта Осиёга араблар кириб келгандан кейинги

даврга тўғри келади [16]. О.Турсунов ва С.Азизовнинг тадқиқотларига кўра, чиллахона астрономик объект бўлган [17]. Амир Темур XIV асрда ана шу чортоқ пойдевори устига Шайх Зайниддин бобо мақбарасини бунёд этган. Ёдгорликнинг асосий фасади жануби-шарққа қаратилган. Мақбара тўртбурчак тархли (16×18 м), баландлиги 20,7 м, $26\times 25\times 6$ см ўлчамли ғиштлардан қурилган. Гумбаз $24\times 24\times 5$ см ўлчамдаги кичик плиткали пишган ғиштдан терилган. Бинонинг ҳамма томонлари пештокли. Мақбара марказида Шайх Зайниддин сағанаси, ёни ва бурчакларида бошқа қабрлар, эшикдан киришда ўнг ва чап томондаги кичкина хоналарда шогирдларининг қабри бор. Баъзи қабрлар $24\times 24,5\times 5$ см ўлчамдаги ғиштдан ишланган сағанадир. Мақбара тепасида дарчали минорачаси ҳам бўлган. XVI асрда мақбара қайта қурилган. 1868-1969 йилларда мақбара яқинида масжид қурилган. Мақбара 1920-1921 йилларда қайта таъмирланган. Эски ғиштлари янги ғиштлар ($26\times 12\times 6$ см) билан алмаштирилиб, гумбази квадрат ($24\times 24\times 5$ см) ғиштдан терилган [18]. 1950 йиллардаги тадқиқотларга кўра, мақбара деворида оқ бўёқдан миёлика ва мазойика услубида ишланган гул плиткалар топилган. Демак, мақбаранинг ҳозирги биноси XIX аср охири ва XX аср бошида қайта таъмирланган.

Мақбара ёнидаги чиллахона икки қисмдан: ер ости ва ер усти хоналаридан иборат. Устки хона тўғри саккиз қиррали бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг юқори нуқтасида диаметри 97 сантиметрли доира шаклида тешик бор. Бинонинг умимий 7 баландлиги саҳндан шифтнинг юқори нуқтасигача 583 сантиметр. Тенг томонли саккиз бурчак полнинг диагонали 515 сантиметр, томонлари эса 236 сантиметрдан. Ер остидаги хона ер устидаги хонанинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб, баландлиги 230 сантиметр. Ер ости хонанинг шифтидаги тешик кесик конус шаклида, юқори асосининг диагонали 30 сантиметр, пасткисиники 15 сантиметр; ён томонлари эса 28 сантиметрга teng. Бу тешик пол проекциясига нисбатан шимол томон 166 сантиметрга сурилган. Бунда кесик конус ўқи ер устидаги хонанинг шифтидаги доира шаклидаги тешик марказига йўналган. Ҳар икки тешик марказидан ўтадиган чизик жойнинг меридиан текислигига ётади [19]. Чиллахонанинг конструкцияси турли астрономик масалаларни ҳал этиш, жумладан баҳорги тенгкунликни, ёзги қуёш турғунлигини; экватор текислигининг эплиттика текислигига оғиш бурчагини; қуёш авжга чиққан туш пайтини ва сутка соатларини; кузатиш жойи кенглигини ва бошқа нарсаларни аниқлашга имкон бўлган. XIX аср охирларида мақбара атрофида тобутхона, ошхона, айвонли масжид, чортоқ ҳамда XII-XIII асрларга оид энг қадимги иншоат: ер ости чиллахонаси сақланиб қолган.

Шайх Зайниддин бобо авлодлари “Шайх Зайниддин бува” қабристони деб аталувчи зиёратгоҳ маскани яқинида яшаб келган. Шоир Хислат, академик Жорулла Файзуллаев, ёзувчи Нажибулло Ҳабибуллаев, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон ва бошқалар ушбу шажара вакиллариdir [20].

Жабай ота (1643-1725) зиёратгоҳи. Шайхонтоҳур тумани Кўкча маҳалласидаги Шайх Зайниддин қабристонига киришда, чап томонда XVII-XVIII асрда яшаб фаолият кўрсатган, ўз замонасининг етук алломаси, Қозибек ўғли Жабай авлиёнинг ҳам қабри бор. Отаси Қозибек илмли киши бўлиб, XVII асрда Тошкент ҳокими қўлида нуфузли лавозимда ишлаган [21]. Ривоятларга кўра, Жабай ота Сирдарё бўйида таваллуд топган экан. Отаси Қозибек кўпгина илмлардан хабардор бўлиб, нотиқлик илмини мукаммал эгаллаган. Ўша даврдаги Тошкент ҳокими Қозибек отани Кўқон хони хузурига кетаётган элчиларга бошлиқ қилиб жўнатган. Ўғли Жабай отасига билдиrmай карvonга эргашган. Қозибек ўғлининг карvonга эргашиб келаётганини Кўқонга кириш вақтида билган. Кўқон хонининг тушида элчиларга қўшилиб ёш авлиё ҳам келганлиги, қулоғида кесиги борлиги аён бўлган. Хон эрталаб туриб, элчиларни қабул қилган ва улар орасидаги ёш болани ёнига бориб, қулоғида кесиги борлигини кўрган. Бола билан ёнма-ён ўтириб, узоқ сухбат қурган. Элчилар билан болани бир неча кун меҳмон қилиб, отасига Жабайни ўқитиб, олим қилишини қаттиқ тайинлаган. Юртига қайтгач, Қозибек ота Жабайни ўқитиб, олим қилган. Қозибек ўғли Жабай ота йиллар ўтиб, ўз замонасининг алломаси бўлиб танилган.

Алихонтўра Соғуний (1885-1976 йй.). Кўкчадаги Шайх Зайниддин қабристонида дин ва давлат арбоби, таржимон Алихонтўра Соғуний ҳам мангуба қўним топган. Алихонтўра Соғуний 1885 йил 21 март куни Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳрида ўзбек оиласида туғилган. Тахаллуси туғилган жойи Балосоғун номи билан боғлиқ. Отаси Шокирхон Тўра асли андижонлик бўлиб, насл-насаби олийнасаб диний арбобларга бориб тақалган. Манбаларда келтирилишича, Алихонтўра Соғуний 1905-1915 йилларда Мадина шаҳри ва Жиддада, Бухоро мадрасаларида ислом илмларини ўрганган. Шу билан бирга, шарқ табобатидан ҳам таҳсил олган. Чор Россиясининг ерли аҳолини мардикорликка олиш сиёсатига қарши чиққанлиги учун подшо махфий полицияси таъқибида бўлиб, 1916 йилда Қашқар (Хитой)га кетган. Омма орасида ҳуррият учун кураш ғояларини илгари сурғанлиги сабабли, Хитой маъмурияти томонидан 1937 йил умрбод қамоққа олиниб, 1941 йилда озод қилинган. 1944 йилда Хитойда ташкил топган Шарқий Туркистон Жумҳурияти Муваққат инқилобий ҳукумати раиси этиб тайинланган. Алихонтўра Соғунийнинг 1946 йилдан ижодий фаолияти бошланган. Унинг “Тарихи Муҳаммадий” [22], “Шифо ул-илал”, “Девони Соғуний” каби китоблари бор. Алихонтўра Соғуний Аҳмад Донишнинг “Наводур ул-вақое”, Дарвиш Али Чангийнинг “Мусиқа рисоласи” ҳамда “Темур тузуклари” [23]ни таржима қилган. “Тарихи Муҳаммадий” китоби муаллиф вафотидан кейин – 1991, 1997 йилларда икки қисмли китоб бўлиб нашрдан чиққан. У умрининг охиригача Тошкентда яшаган. 1976 йил 28 февралда Тошкентда вафот этган ва Кўкчадаги Шайх Зайниддин қабристонига дағн этилган [24]. Мустақиллик йилларида Алихонтўра Соғунийнинг хотирасини абадийлаштириш учун Тошкентнинг Яккасарой

туманидаги ўрта мактабга, Чилонзор туманидаги маҳаллага, Шайхонтохур туманидаги қўчага номи берилган.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф (1952-2015 йй.). Шайх Зайниддин қабристонида етук аллома Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф (1952-2015) ҳам дафн этилган. Муфассир, факих, мутафаккир, зоҳид Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф 1952 йил 15 апрелда Андижон вилоятида таваллуд топган. 1969 йил Булокбоши туманида ўрта мактабни тугатгач, 1970-1973 йилларда Бухоро Мир Араб мадрасаси, 1973-1975 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти (Олий Маҳад)ни тамомлаган. 1976-1980 йилларда Ливиянинг Триполи шаҳрида “Исломий даъват факультети” номли дорилғунунни муваффақиятли тамомлаган. 1981-1989 йилларда Имом Бухорий номли Тошкент ислом институтида турли лавозимларда фаолият кўрсатиб, талабаларга тавсир, хадис, улуми Қуръон, ақида фанларидан дарс берган. 1989 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси муфтийси бўлган. 1993 йилда муфтийлик лавозимидан истеъфога чиқкан. 1991-1993 йилларда “Тавсири ҳилол”, “Поклик иймондандир”, 1992 йилда “Иймон”, “Шоядки тақвodor бўлсак”, 1997 йили “Ислом мусаффолиги йўлида” номли китоблари нашрдан чиқкан. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф 2001-2015 йилларда кенг миқёсида илмий фаолият олиб бориб, 40дан ошиқ китоблар, овозли ва тасвири ёзувларда илмий сұхбатлар, халқаро интернет саҳифаларида 25000дан ортиқ турли мавзуларда чиқиши билан халқнинг диний саводи ошишига, соғ исломни англашга улкан хисса қўшган [25]. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ўз замонасида ислом оламининг йирик намоёндаси, улкан арбоб, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи муфтийси, кўплаб диний ташкилотлар, халқаро илмий муассасалар аъзоси сифатида ҳалқимизнинг диний раҳномоси бўлган. У 2015 йил 10 март қуни вафот этган ва Кўкча маҳалласидаги Шайх Зайниддин қабристонига киришда ўнг томонга дафн этилган.

Шайх Хованди Тоҳур зиёратгоҳи (XV-XIX асрлар). Биринчи таълим ва тарбияни отаси Шайх Умар Богистонийдан, сўнгра Туркистонда Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Тегиз Шайхдан олган [26]. Бухорода машҳур олимлар билан мулоқотда бўлиб, Хожаган тариқатини чуқур ўрганган, таниқли мутасаввиф бўлиб етишган, наср ва назмда ҳам ижод қилган. Нақшбандия тариқати пешвоси Хожа Аҳрор Валий Шайх Хованд Тоҳурнинг авлодидир[27].

Шайх Хованд Тоҳур ислом арконлари, шариат ва тариқат билимдони, мутасаввиф сифатида ислом илмлари ривожига хисса қўшган. Ислом олами, Марказий Осиё ва қўшни давлатларда ҳам ўзига хос мавқега эга бўлган. Шайх Хованди Тоҳур ўз ибратли ҳаёти давомида бир қатор асарлар ҳам яратган:

“Рисола дар масойили шариат ва тариқат” (“Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола”);

“Рисолаи даҳ шарт” (“Ўнта шарт ҳақида рисола”);

“Рисола дар аркони ислом” (“Ислом арконлари ҳақида рисола”);

“Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби ҳақида рисола”) каби асарлари нодир манба ҳисобланган [28].

Манбаларга кўра, Хожа Ахрор Валий XV аср ўрталарида Шайх Хованд Тоҳур қабри устига мақбара қурдирган. Кейинчалик мақбара хароба холига тушиб, ҳозирги ҳолати 1892 йилларда тошкентлик усталар томонидан қайта тикланган[29]. Ёдгорлик ҳақида маълумотлар М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Т.Г. Смирнов тадқиқотларида келтирилган. Мақбара зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Унда бино юзасидан сал чиқиб турувчи пештоқи бор. Хоналар гумбазлар билан ёпилган. Гўрхона гумбази қўшқават бўлиб, 12 қиррали асосга ўрнатилган. Зиёратхона меъморчилиги ўзига хос бўлиб, хонақоҳ 8 равоқдан иборат. Мақбара юпқа чорси ($25\times26\times5\text{-}6$ см) пишиқ ғиштдан терилган. Ўлчами ($4,2\times41$ м. Зиёратхона гумбазининг баландлиги 12,8 метр бўлган [30]. Муҳаммад Солих ўзининг “Тарихи жадидайи Тошканд” асарида: “Бу қабристонда қўзга кўринарли мақбаралардан бири Шайх Хованди Тоҳур мақбараси эди. Мақбара даҳанинг марказида жойлашган. Мусулмонқўл Қипчоқ (1842-1852 йилларда Қўқон хонининг лашкарбошиси) замонида Нурмуҳаммад Қипчоқ Кушбеги томонидан қайта тикланган эди. Мақбаранинг шимол томонидан Шайхонтоҳур ариғи оқар эди. Сув бўйида беш юз эллик бир туп чинор бўлган” деб таърифлайди [31]. Кейинчалик Шайх Хованди Тоҳур мақбараси атрофида чиллахона, ғарбий томонида Юнусхон мақбараси (XVaср), шу билан бирга, қабристонда Қалдирғочбий мақбаралари ташкил топган [32]. Мақбарада Шайх Хованди Тоҳур ва унинг Довуд исмли ўғли ҳамда XIX асрнинг бошида вафот этган Тошкент ҳокими Юнусхўжа ва унинг ўғли Тошкентнинг сўнгги ҳокими Султонхўжа ҳам дафн этилган. Юнусхўжа Шайх Хованди Тоҳур авлодларидан бўлган [33]. Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси атрофидаги қабристон бундан 600 йил олдин шаклланган. Юнусхон масжиди олдидағи майдонда жума номозидан кейин, ҳайит қунлари халқ сайллари ўтказилган. Уч масжид биноси, минора, Эшонқули Додҳоҳ мадрасаси ҳам бўлган. Эшонқули додҳоҳ мадрасаси Тошкент ҳокимининг лашкарбошиси Бекирбегининг ўғли томонидан XIX асрнинг 40 йилларида қурилган ва унинг номи билан аталган. 1884 йил рус-тузем мактаби бўлган. Шўролар даврида киностудия сифатида фойдаланилган. 1964 йилда бутунлай бузиб ташланган [34]. 1924 йилги шаҳарнинг янги режаси асосида Шайхонтоҳур қабристони атрофидаги янги бинолар қад кўтара бошлаган [35].

XX аср бошида Тошкент меъморий ёдгорликлари ичida Шайхонтоҳур зиёратгоҳи алоҳида ўрин тутган. Шайхонтоҳур шаҳарнинг энг гавжум ва файзли жойларидан бири бўлиб, бу ерда бир неча меъморий обидалар, шифобахш булоқли Лангар ҳовузи, савдо расталари ўрин олган. Зиёратгоҳ Ҳайит ва Наврӯз байрамларида халқ сайли бўладиган ва омма

тўпланадиган жойга айланган. Кейинчалик ушбу зиёратгоҳ 1924 йили ёпиб қўйилган [36]. Мажмуа ўтмишдан ҳозирги кунгача тасаввуф вакили номи билан боғлиқ зиёратгоҳdir. Қадимда байрамларда бу жой сайлгоҳга айланиб кетган.

Қалдирғочбий мақбараси (XV аср). Қалдирғочбий мақбараси (XV аср) Шайх Хованди Тохур мижмуаси таркибида бўлиб, унинг шимолий томонида жойлашган. Мақбара қачон ва ким томонидан қурилганлиги, у ерда ким дафн этилганлиги номаълум. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида келтиришича, Қалдирғочбий Муғулистон хукмдорларидан бири бўлиб, насаби Хожа Ахрор Валийга келиб тақалади [37]. Қалдирғочбий мақбараси бўйича XX асрнинг 50-70 йилларида Т.Г. Смирнова ва Г.М. Пугаченкова тадқиқот ишларини олиб борган.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар мақбарани XIV асрга тегишли эканлигини кўрсатади[38].

Мақбарага жанубий томондаги эшик орқали кирилган. Меъморий обьект пишиқ ғиштдан ($25\times25\times5$ см) чорток тархли ($9,48\times9,48$ м), бир хонали (тархи 6×6), кўшқават гумбазли қилиб қурилган. 12 қиррали ташқи қўлоҳсиман чўқки гумбази (3×3 м) пишиқ ғиштдан ганч қоришимасида терилган [39]. Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари интерерида гулли безакдан анча кенг фойдаланилган. Бу ҳолатни Қалдирғочбий мақбараси деворларида XV асрга оид безаклар мисолида кўриш мумкин. Хонанинг ички деворлари феруза рангли мойли бўёқ билан бўялган. Оқ рангли ганч безаклар билан безатилган. Улар геометрик орнамент[40], тўттбурчак, саккиз қиррали юлдузча ва чўзинчоқ ленталар, гуллар, поя, ўсимлик барглари, ўнгга ва чапга эгилувчан шохлар кўринишидаги шаклларга эга[41].

1930 йилларда мақбара биносидан турли мақсадларда фойдаланилган. Натижада нақшинкор арабий ёзувли мармартош чиқариб ташланган. Шу билан бирга, қимматбахо маълумот изсиз йўқолган. 1966 йилда мақбара зилзила туфайли қаттиқ шикастланган [42]. 1970 йилда ташқи гумбази таъмирланган. 1972 йилда мақбарада қазиш ишлари амалга оширилган. Қазиш вақтида оқ сирли, ҳалқасимон патнисли, нақшли сопол идишлар топилган. Мақбарада 1982 йилнинг биринчи чорагида таъмирлаш ишлари олиб борилган [43].

Юнусхон мақбараси (XV аср). Шайх Хованди Тохур мақбарасининг шимоли-ғарбий томонида Юнусхон мақбараси (XV аср) жойлашган. Юнусхон (1415-1487 йй.) Тошкент ҳокими бўлиб, Мўғулистон хони Вайсхоннинг ўғлидир. У Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси. Юнусхон Хуросонда Шарафуддин Али Яздийдан таълим олган. Устози вафотидан сўнг Ироқ, Эронда таҳсилни давом эттирган. Шерозда “Уста Юнус” номини олган. У Абу Сайдни топшириғи билан Жетикент, Фарғона ва Еттисув худудларини бошқарган. 1462 йилда акаси Эсон Буғахоннинг ўлимидан сўнг Муғулистон тахтига ўтирган. Тахт учун курашлар натижасида у қийин аҳволда қолган. Хожа Ахрор Валийнинг аралашуви

билин Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокими этиб тайинланган. Юнусхон Тошкентга ҳокимлик даврида шаҳарда ободончилик, қурилиш ишларини олиб борган. Масжид, мадрасалар, кўлгина иншоатлар қурдирган. 1487 йилда Юнусхон вафот этгач, ўрнига ўғли Султон Маҳмудхон ўтирган [44].

Юнусхоннинг қизи Хўб Нигорхонимнинг ўғли Муҳаммад Ҳайдар Тошкентда туғилган [45]. У Қашқар ва Кашмирда бобурийлар номидан хукмронлик қилган. Муҳаммад Ҳайдар қариндоши Бобурга ўхшаб, “Бобурнома”нинг давоми сифатида ёзган “Тарихи Рашидий” (XVI аср) китобини бобоси Юнусхонга бағишилаган. Юнусхон мақбараси (XV аср) Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси таркибида бўлиб, ташқи кўриниши ва қурилиши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Тошкент ҳокими Юнусхонга атаб кичик ўғли Султон Аҳмадхон (Олачаҳон) 1487-1502 йилларда 6 таноб ерга саккиз қиррали ва гумбазли қилиб, пишиқ ғишт ва тошдан ноёб, ўзига хос услугба эга бўлган мақбара қурдирган [46].

Мақбара чорсу шаклидаги залдан иборат. Кириш қисмининг икки ёнида қўш қаватли, 235×235 см ли ўлчамда квадрат шаклидаги ҳужралар жойлашган. Олд томонда баланд пештоқ, ёғоч ва ганчдан ишланган панжара, ёғоч ўймакор эшик ўрнатилган. Пештоқ квадрат ва тўртбурчак панноларга бўлиб чиқилган. Мақбара гумбази кесишган ровоқлар устига ўрнатилган бўлиб, ички ва ташқи гумбаздан иборат. Ташқи гумбазнинг фақат саккиз қиррали асоси қолган. Мақбарага безак берилмаган. Аммо гумбазнинг ички томонида безаклар бор. Шарқий ва ғарбий деворда тешиклар билан деразалар қўйилган. Мақбара ғарбий қисмининг жанубий томонида ердан 32 см чуқурликда 25×25×5 см.ли оч рангдаги квадрат ғиштдан қурилган йўл топилган. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдулланома” асарида ўша давр меъморий ёдгорликлари қатори Юнусхон ва унинг мақбараси ҳақида ҳам келтириб ўтган [47]. Мақбаранинг 1829-1930 йиллардаги зилзила туфайли гумбази емирилиб тушган. 1859 йилда гумбаз қайта тикланган. Қабристон ҳудуди маҳсус ҳужжатлар билан расмийлаштирилган [48]. 1584 йилда мақбаранинг пештоғи тепаси, 1902-1912 йилларда томи таъмирланган [49].

Совет йилларида 1936 йилда мақбаранинг жанубий ва шарқий томонида ўрганиш, ўлчаш ишлари олиб борилган. 1942 йилда САГУнинг “Ўрта Осиё археология” кафедраси мудири М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченкова мақбарада ўлчаш ва экспертиза ишларини амалга оширган. Унга кўра: объект атрофида қадимда боғ ва мулклар бўлганлиги аниқланган. Мақбарадан қазиш вақтида одам суюклари топилган. Ёдгорлик қурилиши XV асрга тегишли деб кўрсатилган. [50]. 1947 йилда Н. Флавиский, 1962 йилда ЎзФА тарих ва археология институти олимлари, 1967 йилда меъмор Н.Кузьмина, А.Акименко, 1970 йилда Г.А. Пугаченкова, В.М. Филиманов тадқиқот ишларини олиб [51]. Унда мақбаранинг 1 қават қисми геометрик таҳлили амалга оширилган. Мақбара 1933 йилда ҳамда 1965 йилда Тошкент зилзиласидан бир йил олдин таъмирланган. 1966 йилдаги зилзиладан кейин асосий фасаднинг иккала томони

жиддий шикастланган. Гумбазларида ёриқлар пайдо бўлган [52]. 1970-80 йилларда қисман, мустақилликдан кейин тўлиқ таъмиранган.

Шайхонтохур қабристони атрофига масжид ва мадрасалар ҳам жойлашган. Масалан, Эшонқули додҳоҳ мадрасаси, Юнусхон масжиди ва мадрасасини айтиш мумкин. Юнусхон масжиди олдидаги майдонда ҳар жума номозидан сўнг, ҳайит кунларида халқ сайиллари бўлган. Бу ерда яна савдо расталари, чойхона ва ошхоналар ҳам ишлаб турган [53]. XV-XVI асрларда Тошкентда қурилиш ишлари авж олган. Турли ҳашаматли бинолар, мақбара, масжид мадрасалар, ҳовузлар, ҳаммомлар қурилган. Шулардан бири пишиқ гишт ва тошдан барпо этилган Юнусхон мақбараси бўлиб, ўрта асрлардан бизгача етиб келган ислом меъморчилигининг ноёб қурилиш обьектидир. Шу билан бирга, Юнусхон мақбараси жойлашган Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси ҳам ҳозирги кунгача ўз ҳолатини сақлаб, моддий меросимиз сифатида шаҳар кўркига кўрк қўшмоқди.

ХУЛОСА

Хуллас, IX-XIX асрлар давомида Тошкентда яшаб, фаолият кўрсатган олим уламолар, тасаввуф вакиллари, маҳаллий пирлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳ, қадамжолар, масжид ва мадрасалар тарихи шаклланган. Тошкент тарихи, шаҳар қурилиши, мақбара, масжид, мадрасалари, аҳоли турмуш тарзи, зиёратгоҳларга муносабатини ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда туризм соҳаси жаҳон давлатларида устувор соҳага айланди. XXI асрда Янги Ўзбекистонда Туризм соҳасининг “Зиёратгоҳлар тарихи”, “Зиёрат туризми” деб номланган яна бир муҳим тармоғи вужудга келди. Шу муносабат билан мазкур мақолада Тошкент зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш асосида Шайх Зайнiddин ва Шайх Хованди Тоҳур зиёратгоҳлари тарихи, персонификацияси, улар хоки ётган мақбараларнинг архитектураси тарихи, тарихшунослиги қўллэзма, архив материаллари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар, дала тадқиқотлари асосида ёритилган бўлиб, бугунги кунда юртимиз маънавий ва моддий меросини кўрсатиш мақсадида зиёратгоҳларга хорижий ҳамда маҳаллий зиёратчиларни кенг жалб қилиш олдимиизда турган муҳим вазифадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент (тарихий ва археологик лавҳалар). – Тошкент: "Фан", 1988. – Б.15-26.
2. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Известия АН УзССР, № 2.– Ташкент, 1954.-С.110.
3. Ал-Истаҳрий. Китаб мамалик вал масалиқ, М.: J. De Goje. Leiden. 1913.
4. Муҳамедов Н. Ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси. Тарих фан.доктор...дис. – Тошкент, 2011.-26. Тошкент ислом маланияти гавҳари. – Тошкент, 2007. – Б.16-22.

5. Амир Темур. Темур Тузуклари. Китобни нашрга тайёрловчи: Раҳимов Ж.. – Тошкент: "Shodlik nashriyoti", 2018. Б –137.
6. Самаркандине документы XV-XVI вв. Факсимиле, критичестний текст, перевод, введение, примечания. Указатели Чехович О. Д.. М., 1974. 359 б.
7. Даля тадқиқотлари. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Кўкча маҳалласи, 2022 йил 17 июль
8. Муҳамедов Н.А. Ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илмфанига қўшган ҳиссаси: тарих фан. доктор... дис. – Тошкент, 2019. 336 б.
9. Эргашов А. Мири Жанда ота мажмуаси. – Тошкент: "Qaqnus media" нашриёти, 2019. – Б.19-21.
10. Муҳамедов Н.А. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. – Тошкент, "Movarounnahr" нашриёти, 2019. – Б. 29.
11. Қаранг: Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи муллазода (Бухоро мозорлари зикри). Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария (Самарқанд мозорлари зикри). Форс тилидан Воҳидов Ш., Аминов Б. таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 138.
12. Фахруддин Али Сафий. Раҳоҳоту айнил ҳаёт ("Обиҳаёт томчилари"). Таржимон: Домла Худойберган ибн Бердимуҳаммад (1940 йил). Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М., Умрзоқ Б.. – Тошкент: Абу район Беруний номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. - Б.270-276. Обидов А., Бобохонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. - Тошкент: "Navro'z" нашриёти, 2018.- Б. 33.
13. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 179.
14. Фахруддин Али Сафий. Раҳоҳоту айнил ҳаёт. ("Обиҳаёт томчилари"). Таржимон: Домла Худойберган ибн Бердимуҳаммад (1940 йил). Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М., Умрзоқ Б.. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 290-292.
15. Маданий мерос агентлиги архиви: Т-1106 фонд, 36-иш, 7-5 вараклар.
16. Левина В.А., Булатова. К. истории мавзолея Зейнiddина. Архитектурное наследие Узбекистана. Тўплам. – Тошкент: Саънатшунослик институти, 1960. – Б. 74-84.
17. Турсунов О.С., Азимов С.Х. Астрономический инструмент раннего средневековья в центре Ташкента //Историко-астрономические исследования вып. XXV. Москва: Наука, 2000. - С 56-60. Azizov S., Tursunov O.S. Journal for the historu of astranomy. Vomule 33 Part 1, February 2002, No.110.A Medieval Observational Instrument in Tashkent.
18. Маданий мерос агентлиги архиви: Т-1106 фонд, 36-иш, 7-10 вараклар.
19. Азизов С. Тошкент шаҳри Шайх Зайнiddин мажмуасидаги чиллахонанинг фойдаланиши хусусида // "Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда" мавзусидаги халқаро

илмий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Фан" нашриёти, 2009. – Б. 250-251.

20. Озод Мўъмин Хўжа.Шайх Зайниддин Тошкандий – олим ва валий (1164-1259). – Тошкент: "Movarounnahr" нашриёти, 2018. – Б.124.

21. Мухаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. Тошкент: "Navroz" нашриёти, 2016. – Б. 84-85

22. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: "Munir" нашриёти, 2021.720 б.

23. Темур Тузуклари. Таржимон Алихонтўра Соғуний. Тошкент: "Yoshlar" нашриёти, 2018.185 б.

24. Алихонтўра Соғуний (1885-1976). - www.ziyouz. uz.13.11.2015. Шокиров Қ. Икки Туркистон ғурури (1992). -www.ziyouz.uz.28.02.2014. Мухаммадкаримов А., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: "Navroz" нашриёти, 2016. – Б. 123-127.

25. Arboblar. uz.

26. Муҳаммедов Н.А. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. – Тошкент: "Movarounnahr", нашриёти, 2019. – Б. 136-137

27. Фахруддин Али Сафий. Раشاхоту айнил ҳаёт."Обиҳаёт томчилари"). Таржимон: Домла Худойберган ибн Бердимуҳаммад (1940 йил). Нашрга тайёрловчилар: Ҳасаний М., Умрзок Б.. – Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 272-274.

28. Маҳмуд Ҳасаний., Қиличова К. Шайх Хованди Тахур. – Т.: 2004

29. Маданий мерос агентлиги архиви: Т-7324, 3-38 иш, 7 варақ.

30. Ислом энциклопедияси. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 563-564.

31. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. – Т: ЎзССР "ФАН" нашриёти, 1983. – Б. 36.

32. Мухаммадкаримов А. Тошкентнома. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2009. – Б. 84.

33. Муҳаммедов Н. Шош воҳаси олимларининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни. – Тошкент: "Movarounnahr" нашриёти, 2011. – Б. 144.

34. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Известия АН Уз ССР, №2. – Ташкент, 1954. – С. 122.

35. Одилов А.А. Тошкент меъморий ёдгорликлари тарихидан // "Ўзбекистон пойтахти Тошкент 2200 ёшда" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Фан" нашриёти, 2009. – Б. 248.

36. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. – Тошкент, 1966.1 жилд. – Б.347.

37. Пугаченкова Г.А. Мавзолей Калдиргачбия. Известия Академии Наук Казахской ССР Алма-Ата, 1950.вып. 2.Серия архитектурная. – С. 94.

38. Смирнова Т.Г. Архитектура мавзолеев город Ташкента. Гл. III. – С. 1-2.
39. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. Ташкент, 1961. – С.183.
40. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1960. – С. 121.
41. Мухаммадкаrimov A. Тошкентнома. –Тошкент: "Янги аср авлоди", 2009. – Б. 89.
42. Маданий мерос агентлиги архиви: T-3473,A-62.3-12-вараклар. 28.6.1972.
43. Мухаммадкаrimov A. Тошкентнома. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2009. – Б. 88.
44. Мукминова Р. Тўрт аср олдинги Тошкент. Тошкент: Ўз ССР "Фан" нашриёти, 1984.Б. 27.
45. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Т: ЎзССР "ФАН" нашриёти, 1983. – Б. 36.
46. Маданий мерос агентлиги архиви: T-3436, K-89.1-5 вараклар.Мухаммадкаrimov A., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: "Navroz" нашриёти, 2016. – Б. 77.
47. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. Т: ЎзССР "ФАН" нашриёти, 1983.Б. 37.
48. Мухаммадкаrimov A., Обидов А., Искандаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Тошкент: "Navroz" нашриёти, 2016. – Б. 77.
49. Алъхамова З. А., Литвинский Б. А.Историка-архиологического изучения мавзолея Юнусхана в Ташкенте. Труды САГУ, вып. – Ташкент, 1953. – С. 171-180.
50. Маданий мерос агентлиги архиви: T-3434,K89.1-15 вараклар.
51. Маданий мерос агентлиги архиви: T-3300,P-82.2-10 вараклар.
52. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Т: ЎзССР "ФАН" нашриёти, 1983. – Б. 37.